



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИАТИ  
ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

**ЗАМОНАВИЙ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ:  
ЎТУҚЛАР, МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

*Ўзбекистон Миллий университетининг 95-йиллиги ва География фанлари  
доктори, профессор Абдусами Солиев таваллудининг 70-йиллигига  
бағиш ангап республика шимий-амалий конференцияси*

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

\*\*\*\*\*

**СОВРЕМЕННАЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ГЕОГРАФИЯ:  
ДОСТИЖЕНИЯ, ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ**

**МАТЕРИАЛЫ**

*республиканской научно-практической конференции, посвященной 95-летию  
Национального университета Узбекистана и 70-летию доктора  
географических наук, профессора Салиева Абдусами  
Ташкент, 27-28 марта 2013 года*

**Тошкент – 2013**

## НАУЧНАЯ ШКОЛА СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ГЕОГРАФИИ УЗБЕКИСТАНА

Турсунов Х.Т.

(Национальный университет Узбекистана)

Наука в своем историческом пути, по мере усложнения и совершенствования, движется вперед не усилиями ученых-единиц, а группой ученых-единомышленников, которые часто объединяются в такую закономерную форму коллективного творчества, как научные школы, которые, по существу, определяют успех ведущих направлений в той или иной области знания [2].

В настоящее время, в постсоветском пространстве под термином «научная школа» подразумевается «научное направление» и только в редких случаях научные школы представляются, как научные коллективы с их историей становления, развития и современного состояния. Обычно это коллективы, претендующие на «ведущие научные коллективы» в рамках определенного научного направления. Иначе говоря, реально существуют такие системы «научное направление — научная школа» [1].

Многие ученые сходятся во мнении, что научная школа — это сообщество исследователей, интегрированных вокруг ученого генератора идей, обладающего особыми исследовательскими и, что также важно, человеческими качествами. При таком ученом объединяется группа соратников и учеников, которые разделяют его научные идеи и общие теоретические принципы, методологию исследования. Важной функцией подобной школы является забота о научной смене, о подготовке кандидатов и докторов наук. Ученый-руководитель и его коллеги стремятся сформировать из числа начинающих исследователей (студентов, аспирантов, докторантов) научных, а во многом и мировоззренческих единомышленников.

Нужно констатировать, что процесс формирования научных школ в условиях высшего учебного заведения облегчается тем, что научный коллектив одновременно выполняет образовательные и научные функции. Творческая атмосфера, наличие талантливых учеников из аспирантов и студентов, учебно-вспомогательной и научной базы помогают ведущему ученому добиваться существенных результатов в науке.

Научная школа социально-экономической географии А.С.Салиева, президента Географического общества Узбекистана, доктора географических наук, профессора кафедры Общественной географии и демографии Национального университета Узбекистана сформировалась и развивается в стенах ведущего высшего учебного заведения. Он в течение 26 лет руководил кафедрой экономической и социальной географии географического факультета Национального университета Узбекистана. При формировании научной школы социально-экономической географии внесли свой вклад ученые-географы: З.М.Акрамов, Т.И.Раимов, О.Б.Ата-Мирзаев, Т.Э.Эгамбердиев, Р.А.Ходиев, А.А.Каюмов и другие.

Научная школа социально-экономической географии А.С.Салиева является настоящей кузницей высококвалифицированных специалистов-географов и экономистов для народного хозяйства Узбекистана. Под непосредственным руководством А.С.Салиева подготовлено 37 кандидатов наук (из них 6-кандидаты экономических наук) и 4 доктора наук для высших учебных заведений, научно-исследовательских учреждений, министерств и ведомств республики, ближнего и дальнего зарубежья. Его научные труды посвящены проблемам географии, методологии и практики экономической географии и региональной экономики, географии городов и урбанизации, географии промышленности и сельского хозяйства, экономического районирования, региональной политики и социальной географии. В последние годы в научной школе, руководимой А.С.Салиевым развивается и такое направление, как медицинская география, социальная экология. А.С.Салиев является признанным авторитетом среди ученых географов среды стран СНГ. Он является членом ряда специализированных советов, учебно-методических объединений. Им опубликовано

Билан 40 монографий, учебных, учебно-методических пособий, брошюр; является автором пособий для школ, высших и средних специальных учебных заведений. Он активно и плодотворно сотрудничает с учеными географами из ведущих университетов России и Института географии АН России, университетами и научно-исследовательскими институтами Украины, Казахстана, Кыргызстана, Таджикистана, Туркмении. А.С.Салиев поддерживает тесные контакты с региональными университетами Узбекистана, читает лекции, руководит научными работами соискателей, государственных аттестационных комиссий.

Научная школа социально-экономической географии А.С.Салиева имеет большой потенциал в ближайшем будущем будет одной из ведущих в Центральной Азии.

#### Литература:

1. Криворученко В. К. Научные школы – эффективный путь проведения диссертационного исследования. [www.zpu-journal.ru/asp/scientific\\_schools/2007](http://www.zpu-journal.ru/asp/scientific_schools/2007)
2. Рахимбеков Р.У. Отечественная экологическая школа: история ее формирования и развития. Т.: 1995. -стр.8

### ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ШАРОИТИДА АГРАР СОҲАДАГ И ТУБ ИСЛОҲОТЛАР: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР (ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

*Усмонов М.Р., Курбонов К.  
(Жиззах давлат педагогика институтини)*

Бугун жамиятимиз шуни англаб олдики, ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш шароитини кўтариш, иқтисодий ҳаётимизни самардорлигини ошириш, ҳалқимизни боқиб, иқтисодимизни режалаш – ҳуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг шароити биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Маълумки, кўпчи бекорликдан, озуқа берадиган соҳа - қишлоқ хўжалиги ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганига 22 йил бўляпти. Шу вақт ичида Ўзбекистонда кўпчи кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлди. Ҳалқимиз жинслашди, тинчлик-тотувлик ҳукм сўроқда. Давлатимиз пойдевори мустаҳкамланиб, Ўзбекистон жаҳон миқёсига чиқди. Бугунги Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим ислоҳотларни амалга ошириш билан бирга, тараққиёт на буюк келажак сари дадил одимламоқда. Утган вақт мобайнида асосий тизимдан тортиб, иқтисодиётнинг барча тармоқлари, маънавият тубдан ўзгарди. Барчага аёнки, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига асосланган, кучли ижтимоий ҳимоя ҳаётимизга эга бўлган, ҳуқуқий демократик ва дунёвий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йулидан дадил одимлаб бормоқда.

Президентимиз И.Каримов “Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиесатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир.”<sup>1</sup> деган ғояни доимо олға сурдилар.

Шунга асосан ҳур Ўзбекистон жамиятини ислоҳ қилишнинг илгариги ҳолатидан демократик ҳуқуқий жамият ва бозор иқтисодиёти кадриятларига ўтишнинг ўзига ҳос ўзгариш тизимдан олди. «Халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиесат - Ўзбекистонни мустақил ривожлантиришнинг ажралмас шартидир»<sup>1</sup> - деб таъкидлайди президентимиз И.А Каримов.

Мамлакатимиз шароитида аграр соҳани ривожлантирмасдан туриб, умумиқтисодиётни кўтариш қийин иш. Аграр тармоқ республикамиз иқтисодиётининг энг муҳим соҳаларидан

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йулида. - Т.: Ўзбекистон, 1995. -5-бет

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиесат, мафкура. 1-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 61-бет

биридир. Зеро, ҳозирги кунда республикаимизда янғайтиган 30 миллионга яқин аҳолининг ярми кишлоқларда истиқомат қилиб, мамлакат ялпи мажсусларининг бир қисми соҳа улушига тўғри келади.

Мустақиллик шароитида иқтисодий соҳадати, айниқса, аграр соҳадати ислохотларни амалга ошириш, мавжуд муаммоларни ўزгариб чиқиш ва ҳал этиш, қўлланма илм ва тажрибага эришиш, иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш, мулкчилик давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ерларни ўз эгаларига бериш, деҳқон-фермер хўжалиқларини янада ривожлантириш ва шулар асосида иқтисодий оғир тараққий топтириш бош мақсадимиздир. Ушбу нуктага назарлар, фикр ва мулоҳазалар мўжизам Президентимизнинг нутқларида, сессия маърузаларида, қопун ҳужжатларида, фармонлар, қарорлар ижросида ва жамоатчилик фикрларида баён қилинади.

Жумладан, Президентимиз И.А. Каримов Олий Мажлисининг 1999 йилги XIV-сессияда қилган маърузада мамлакатимизнинг янги аср бошида амалга ошириш лозим бўлган устивор йўналишларнинг биринчиси иқтисодиётимизнинг муҳим тармоғи бўлган кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш масаласига қаратилганлиги.

Иқтисодий соҳани янада эркинлаштириш мақсади-биринчи навбатда давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шу жумладан аграр соҳада ҳам хусусий мушаррафликларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш мақсадидир.

Мамлакатимизда кишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Ушлаб қонушлар, ҳукумат қарорлари ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг қопун меъёрлари ва тартиб қоидалар асосида амалга оширилишида асос бўлиб хизмат қилмоқда. Кишлоқ хўжалигида кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, турли мулкчилик ҳамда хўжалик юритиш шаклларини фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган ҳуқуқий меъерий асослар яратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятига ўзининг муносиб улушини қўшиладиган, ҳар жиҳатдан салмоқли манқага эга бўлган Жиззах вилоятида ҳам аграр соҳада туб ислохотлар иттиҳам амалга оширилмоқда.

Жиззах вилоятида аграр ислохотларнинг бориши, унинг вилоят иқтисодий тараққиётидаги ўрни, деҳқон-фермер хўжалиқларининг ривожлантирилиши, эришилаётган ютуқлар, йул қўйилган хато ва камчиликлар, уларни олдини олиш чоралари, вилоят кишлоқ хўжалигида ҳалқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши, тadbиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масалаларига қаратилган кенг ҳўламли тadbирлар шулар жумласидандир.

Жиззах вилояти мамлакатимизнинг ҳудудий жиҳатдан йирик минтақаларидан биридир. Вилоят хўжалигида аграр сектор алоҳида ўринга эга. Вилоят аҳолисининг 68% дан кўпроғи кишлоқларда истиқомат қилади. Кишлоқ аҳолиси деҳқончилик, чорвачилик ва кишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида бандлар.

Кишлоқ хўжалигидаги туб ислохотлардан мақсад аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, мулкчилиكنинг барча шаклларини тараққий эттириш, тadbиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни янада шакллантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва янги ишчи ўринларини яратиш, самарали меҳнат қилиш, даромад олиш, вилоят иқтисодиётини юксалтириш ва мамлакат иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшишдан иборатдир. Натижада Жиззах вилояти 2011 й кишлоқ хўжалиги йилида пахта, галла, гўшт, сабзавот, полиз экинлари фойз ҳисобида берилсин.

Кишлоқда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасида 1991 йилдан то ҳозирги кунгача юзлаб фармон, қарор ва қонушлар қабул қилинди. Вақт ўтар экан, жамиятнинг барча тармоқлари сингари кишлоқ хўжалигида ҳам янғидан-янғи ўзгаришлар қилиш талаб этилади. Ана шу ўзгаришлар Ўзбекистон давлатининг иқтисодий салоҳиятини дунёдаги иқтисодий ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишига имкон яратади. Бу борада Жиззах вилоятида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Республикада деҳқон-фермер хўжалиқларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 1992 йил, 7 январь
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Фермер хўжалиқларини хусусийлаштириш тўғрисида» 2004 йил, феврал.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил, 3 апрел.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш консенсияси тўғрисида» 2003 йил, 27 октябр.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни. (15.02.1991 й.)

### ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИНИ ИЖТИМОЙ - ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Утепова Г.Б., Нурланов А.С., Курбаниязов А.К.  
(Нукус Давлат педагогика институти, ҚТХУ, Қозғистон)*

Қишлоқ хўжалиғи моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида бошқа тармоқлардан шуниси билан фарқ қиладики, унда асосий чиқариш воситəsi ер ҳисобланади. Шу муносабат билан қишлоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш энг аввало ерга бўлган муносабатнинг тўғри ҳал этилишига боғлиқ. Ердан самарали фойдаланиш қишлоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг асосий омилдир.

Республикамиз демографик ривожланишининг ўзинга хос жиҳатларидан бири аҳоли сонининг юқори суръатларда ўсиши ҳисобланади. Бу эса қишлоқ хўжалиғига яроқли ерларга бўлган талабнинг ўсишига олиб келади. Бу масаланинг фақат бир томони. Иккинчи томондан, аҳоли сонининг ўсиши, саноат тармоқларининг ривожланиши, уй-жойлар ва йўллар қурилиши натижасида қишлоқ хўжалиғига яроқли ерларнинг бир қисми қишлоқ хўжалиғи таркибидан чиқарилади. Бунинг натижасида эса ер ресурслари миқдоран камайиб боради.

Ер ресурсларини кенгайтириш сув ресурсларига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда фақат муайян миқдоргача ўзлаштириш мумкин, ҳолос. Бундан ташқари, илмий-техника тараққиети ва аҳоли сонининг ўсиши экологик муаммони ҳам келтириб чиқармоқда. Бунинг натижаси ўлароқ қишлоқ хўжалиғига яроқли ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашмоқда. Бу ҳам қишлоқ хўжалиғига яроқли ерларнинг камайишига олиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиғига хос бўлган бу хусусият қишлоқ хўжалиғига яроқли ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни тақозо қилади.

Қишлоқ хўжалиғига яроқли ерлардан фойдаланиш самарадорлиғи ошишининг аҳоли ўсиш суръатларидан юқори бўлиши аҳолининг қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари билан таъминланишининг яхшиланишига олиб келади. Унда ердан фойдаланиш маданиятини яхшилаш, қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришини ташкил этиш шаклларини такомиллаштириш масалалари асосий ўрин тутади.

Иқтисодий ва молиявий танглик шароитида қишлоқ аҳолисининг асосий даромади ердан олинадиган даромад кўринишидаги истеъмол ҳисобланади. Шунинг учун ўтиш даврида қишлоқ аҳолисига ер ажратиб бериш икки масалани ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатади. Биринчидан, шахсий хўжалиқларда меҳнат унумдорлиғи юқори бўлганлиғи туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпаяди, яъни иқтисодий масала ҳал этилади. Иккинчидан, уларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи қондирилади ва қишлоқ аҳолиси барқарор даромад манбаси билан таъминланади, яъни ижтимоий муаммо ўз счимини топади. Бундан ташқари қишлоқда истиқомат қилаётган ёшларни меҳнатга ҳурмат руҳида тарбиялашда,